O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 11 март, № 48 (3847) Шанба

Ёшлар — юрт қаноти, мамлакат таянчи. Навқирон авлодга эътибор келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевордир. Юртбошимизнинг ёшларга бўлган алоҳида эътиборлари, юксак ғамхўрликлари туфайли бугун Собир Раҳимов тумани ҳудудидаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси бутунлай янгича қиёфа касб этган. Фахрланмай бўладими?! Ахир, бу ҳудудда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси, шунингдек, Тошкент маданият, банк, политехника, тиббиёт, Маиший хизмат кўрсатиш коллежлари, Глиэр номли республика академик лицейи фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарча ҳудудидаги 26 та ўқув муассасасида 40 мингдан кўпроқ талаба ва ўқувчилар эзгу ниятлар ила таълим олмоқда.

«УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ!»



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2005 йил 28 декабрда "Ёшлик" талабалар шаҳарчасига ташриф буюрганлари, "Маънавият ва маърифат" марказида бўлиб, талабалар билан дилдан суҳбат қурганлари унутилмас лаҳзалар сифатида ёшларимиз онгига муҳрланди. Талабалар билан мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарининг фидойи ёшларга, илмга интилган, билим олишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаган йигит-қизларга ишончу меҳрлари беқиёс эканлигини жамики юртдошларимиз яна бир карра англадилар. Эндиликда ёшларнинг қайноқ нуқтасига айланган талабалар шаҳарчасида, хусусан, "Маънавият ва маърифат" марказида ҳудуд мутасаддилари олий ўқув юртлари раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда талаба ёшларни Ватанга муҳаббат, фидойилик руҳида тарбиялаш ва баркамол инсон бўлиб етишишлари учун бир қанча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Парламент вакиллари, шоир-ёзувчилар, санъаткорлар, спортчилар билан учрашувлар ўтказиш мунтазамлилик касб этгани бунинг исботидир.



Кеча мана шундай тадбирларнинг давоми сифатида шаҳарча ҳокимлиги ташаббуси ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда талабалар орасидаги ёш қаламкашларнинг ижодий фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида "Улуғимсан, Ватаним!" деб номланган китоб анжумани уюштирилди.

Тадбир чин маънода ёшларнинг байрамига айланиб кетди. Мақол айтиш, шеър ўқиш авжига чиқди. Мумтоз ва замонавий қўшиқлар ижро этилганда барно қизлар рақсга тушиб даврага файз киритдилар. Бундай файзу тароват нотиқларнинг, хусусан, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, шоира Умида Абдуазимова ҳамда бошқа сўзга чиққан талабаёшларнинг фикрларида ҳам яққол балқиб турди. Айниқса, китобнинг тарбияга таъсири, унинг инсон учун бир умрлик содиқ дўст эканлиги борасидаги фикру мулоҳазалар билдирилганда, талабалар баҳсу мунозарага киришиб кетдилар. Ҳар ким ўз фикрини, муддаосини, мақсадини, нуқтаи-назарини ифодалаган бўлса-да, хулоса яхлит эди: илму ҳунар ўрганиб, Ватанга муносиб фарзанд бўлиш ёшларимизнинг энг асосий вазифасига айланган.

Очиғи, тадбирда қатнашиб, қалбимиз янада ёшаргандек, онгу шууримиз тиниқлашгандек бўлди. Ахир, ёшлар шу даражада самимий мулоқотга киришдиларки, бундан завқланмаслик, баҳра олмаслик мумкин эмасди. Уларнинг орасида бепарво, лоқайд, боқибеғамларни учратмайсиз. Ҳаммасининг юзкўзида покизалик, лобарлик, беғуборлик уфуриб турарди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
Темур ҚУРБОНБОЕВ
(сурат),
"Халқ сўзи" мухбирлари.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДАГИ ТАШРИФ

— 19-20 март кунлари бўлиб ўтадиган Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга кучли туртки бериб, сиёсий мулоқот, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликда янги имкониятлар очади, — деб таъкидлади ўтган пайшанба куни Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Қозоғистон элчиси Тлеухан Кабдрахманов.

Элчи Қозоғистон ўз ташқи сиёсатида биродар Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва яқин муносабатларни мустаҳкамлашга устувор эътибор қаратаётганини қайд этди. «Шунинг учун Президент Нурсултон Назарбоев навбатдаги президентлик муддатига сайланганидан сўнг илк хорижий сафарларидан бирини маънавияти ва дунёқараши, тарихий тараққиёти билан бизга яқин бўлган Ўзбекистонга амалга оширмоқда, — деди у. — Ташриф жуда юқори — давлат ташрифи мавқеига эга бўлиб, бу ҳам икки томонлама муносабатларимизнинг устуворлигидан далолат беради».

Икки мамлакатнинг ўзаро манфаатларини инобатга олувчи яқин қўшничилик муносабатлари айни пайтда жадаллик билан ривожланмоқда. Қозоғистон Президентининг бўлажак давлат ташрифи давомида кўплаб долзарб масалалар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва икки томонлама муносабатлар доирасида сиёсий ҳамкорлик, савдо-иқтисодий алоқалар ривожи, маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳокама қилинади.

Сўнгги йилларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик барқарор суръатларга эга бўлди. Қуйидаги рақамлар ушбу фикрни тасдиқлайди: жумладан, агар 2002 йилда икки мамлакат савдо айланмаси 263,3 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич ярим миллиард долларга етди.

— Икки томонлама савдо ҳажмини ошириш ва минтақавий ҳамкорликни жадаллаштириш мақсадида икки мамлакат президентлари томонидан ҳукуматларга савдони ривожлантириш ва бу йўлдаги асоссиз маъмурий тўсиқларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш юзасидан кўрсатма берилган. Бу масалалар 13-14 март кунлари Остонада бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади, — деди Қозоғистон элчиси.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши ҳақида гапириб, Т.Кабдрахманов бу ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштириш учун туртки беришини қайд этди. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг кенгайиши сув-энергетика заҳиралари ва транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш масалаларини самарали ҳал қилишга ҳам кўмаклашади.

Журналистлар саволларига жавоб берар экан, Қозоғистон элчиси Нурсултон Назарбоевнинг давлат ташрифи икки мамлакат халқлари томонидан кенг нишонланадиган Наврўз байрами арафасида амалга оширилиши бежиз эмас, деб таъкидлади. Наврўз — инсонни улуғловчи, порлоқ байрам. Байрамона муҳит расмий делегация вакилларининг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатиб, музокаралар кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама қилишга кўмаклашади. Т.Кабдрахманов Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари икки мамлакат раҳбарларининг бўлажак учрашуви самарасини яқин келажакда кўришига умид билдирди.

О. ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА.

Пойтахтимиздаги "Дедеман силк роад Ташкент" меҳмонхонасида мамлакатимиз хайрия ташкилотларининг "Ўзбекистонда хайрия фаолияти: анъаналар, имкониятлар, истиқболлар" номли форуми ўтказилди.

«Меҳр нури»дан таралган шуъла

"Меҳр нури" хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда юздан ошиқ нодавлат нотижорат ҳамда халқаро ташкилотлар ходимлари, ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этди. Унда халқимизнинг азалий қадриятларидан бўлган хайрия ишлари — «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар ҳамда иқтисодий ночор кишиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги тарихий тажриба ва бугунги қилинаётган ишлар тўғрисида мутахассислар томонидан маърузалар ўқилди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда хайрия ишларининг тарихий омиллари, бугунги аҳволи ҳамда истиқболи ҳақида ўзаро фикр алмашишди. Таъкидландики, хайрия ишларини амалга оширишда халқимизда етарлича тажриба ҳам, имконият ҳам бор. Фақат бу ишларни бир тизимга солиш зарур.

Тадбирда, шунингдек, "Меҳр нури" хайрия жамғармаси томонидан республикамизнинг чекка туманларида жойлашган қишлоқ врачлик пунктлари учун 8 та тиббий хизмат машинаси тақдим этилди. Уларни жамғарма Жамоатчилик Кенгаши раиси Г.Каримова топширди.

Қобил ХИДИРОВ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ МУҲОКАМАСИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Акмал Саидов бошқарган йиғилишда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг Фарғона вилоятида ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил фаолиятининг якунлари муҳокама этилди.

Маълум бўлишича, шу йил 1 февраль ҳолатига кўра, Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг умумий сони 58 тани ташкил этди. ННТлар асосан аёллар ва ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий ва интеллектуал юксалишига кўмаклашиш, ҳунармандчилик, ёшлар спортини ривожлантириш, ногиронларга кўмаклашиш ва бошқа йўналишлар бўйича иш юритишмоқда.

Йиғилишда вилоятда ННТларнинг самарали ишлаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, қонун ижросини таъминлашда бир қатор камчиликлар борлиги ҳам қайд этилди. Масалан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига доир ташаббускорлиги талаб даржасида эмас. Улар давлат ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда яхши иштирок этмаяпти. ННТлар ўз фаолиятларини оммавий ахборот воситаларида ёритишга деярли аҳамият беришмаган.

Шунингдек, йиғилишда вилоятда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, уларнинг ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

С. ДОНИЁРОВ.

Ҳамкасблар ҳамкорлиги

Қутлуғ байрам — Наврўз тантаналари арафасида наманганлик, андижонлик бир гуруҳ журналистлар, шоирлар, адиблар фарғоналик ҳамкасблари ҳузурига ташриф буюришди.

Дастлаб водийлик ижодкорлар ўз вилоятларида мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан ўртоқлашдилар, фикр алмашдилар. Сўнгра «Фарғона ҳақиқати», «Ферганская правда» газеталари, вилоят телерадиокомпанияси ижодий ходимлари билан учрашиб, баҳс-мунозаралар уюштиришди. Меҳмонларда, айниқса, Фарғона шаҳридаги «Евроосиё ТАПО-Диск» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонасида амалга оширилаётган ишлар катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, меҳмонлар ўзининг 2000 йиллигига қизғин тайёргарлик кўраётган Марғилон шаҳрида ҳам бўлишди. Шаҳар босмахонасининг жаҳон андозаларига мос цехлари, замонавий босма дастгоҳлари билан, кечаю кундуз узлуксиз эшиттиришлар бораётган Марғилон телевидениеси ижодий жамоаси фаолияти билан танишдилар.

Ижодий учрашув, амалий мулоқотлар, баҳс-мунозаралар водийлик ҳамкасбларни бир-бирига яқинлаштирибгина қолмай, балки янги ижодий ҳамкорлик сари ҳам чорлади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чигит экилмоқда

Қумқўрғондаги Сафар Бойматов номли ширкат хўжалигининг механизатори Эргаш Маматқулов вилоятда биринчилардан бўлиб сеялка тиркалган тракторини далага олиб чиқди. Пудратчи Одил Омоновнинг даласида плёнка остига чигит экиш бошланди.

Ерга уруғ сочаётган деҳқон узоқ сафарга отланаётган сайёҳга ўхшайди: бор диққатини ишининг нечоғлик пишиқ-пухта бўлаётганига қаратади.

Биз ҳам далада айни шундай вазиятни кузатамиз: барча пудратчилар тракторнинг атрофида парвона, «Чигит текис тушаяптими?» дея қизиқиш билан ҳар бир уяни кўздан кечиришга шошилишади.

— Уруғлик чигитимиз туксизлантирилган, — дейди пудрат аъзоси Норбой Чориев. — Нави «Наманган-77» Агарки ишларимиз шу маром билан олиб борилаверса, август ойининг бошидан оёқ пахтамизни пишириб оламиз. Кўзлаган маррамиз — гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш.

Дарвоқе, Сурхондарёда бу йил 123 минг гектар майдонда пахта етиштириладиган бўлса, шу ернинг қарийб ўндан бир қисмида чигитни плёнка остига экиш кўзда тутилмоқда. Экиш техникаси мавсумга тахт. Тупроқни уруғ қадашга тайёрлаш ишлари давом этяпти.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дили ободнинг юрти обод

11—12 март кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади

Хотин-қизлар байрамидан кейин юртимизнинг барча ҳудудларида ҳаво ҳарорати одатдагидан анча кўтарилди. Бу Наврўз айёми арафасида ҳамма жойда ўтказилаётган ҳашар тадбирига қулай шароит яратди.

Баҳор байрами яқинлашиши олдидан умумхалқ хайрия ҳашари ўтказиш юртимизда эзгу анъанага айланган. Маҳалла гузарларида, турар жой мавзелари ва корхоналар атрофида ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ойлиги давомида чор-атроф тобора кўркамлик бахш этмоқда. Оқсоқоллар, удумларга биноан, бу эзгу тадбирнинг тепасида туришади. Ўз меҳнатлари билан кўча-кўй ва маҳаллаларни обод қилишдан руҳланган ёшлар гул кўчатлари, дарахт ўтқазиш, ниҳолларни оқлаш ва буташ, атрофни тартибга келтириш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни уюшқоқлик билан тўплаш ва ташиб кетишда намуна бўлмоқдалар. Кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, ариқлар ва лотоклар, болалар майдончалари бунёдкор инсон қўли туфайли ажиб бир чирой касб этади.

Хайрия ҳашари деганда, фақатгина ободончилик эмас, кўнгиллар ободлиги ҳам тушунилади. Меҳр ва оқибатни азалий қадрият деб билган халқимиз кекса ва ногиронлар кўнглини ширин сўзлар билан кўтарадилар, кам таъминланган оилаларнинг яшаш шароитларига мададкор бўлишади. Зотан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховатлилик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар ана шундай тадбирларда намоён бўлади. Бугун-эрта ўтказиладиган умумхалқ тадбирида «Маҳалла» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилик вакиллари меҳнат шижоатини жўш урдиришда ташаббускорлик қилишади.

Байрамолди ҳашари

Фасли Навбаҳор барчани эзгу ишларга, яратувчилик меҳнатига чорлайди. Кексаю ёш теварак-атрофга файз киритсам, бир туп бўлса-да, ниҳол ўтқазсам, дейди. Мартнинг биринчи шанбасида ўтказилган оммавий ҳашардан сўнг Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқлари янада саранжом-саришта бўлди.

Вилоятда давом этаётган «Экология ва саломатлик ойлиги» доирасида уюштирилган хайрли тадбирда 967 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Улар кучи билан турар жойлар ободонлашди, кўча ва хиёбонлар кўкаламзорга айланди. Масалан, шу куни Наманган шаҳрининг 4-кичик туманидаги миллий маданий марказларнинг «Дўстлик» уйи атрофида мўъжаз боғ барпо этилди. Тўрақўрғон туманидаги Сарой қишлоғида эса олти чақиримли шоҳариқ тозаланиб, аҳоли томорқалари учун сув таъминоти яхшиланди. Ҳашар давомида жойларда 1,6 миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда 500 минг тупга яқин гул кўчатлари ўтқазилди.

Айни пайтда Наврўзолди ҳашарида бошланган хайрли ишлар байрам тадориги билан уланиб кетди.

Ўз мухбиримиз.

"Халқ сўзи" назоратида

Муаммолар ҳал этиляпти

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Сариқўрғон қишлоғидаги бир қатор муаммолар ҳақида «Инсоф сари барака» («Халқ сўзи», 2005 йил 14 декабрь) сарлавҳали мақолада танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари А.МУРАТОВ имзоси билан таҳририятга келган расмий жавобда мазкур мақола хусусида қуйидагилар баён этилган:

«Сариқўрғон қишлоғидаги маданият уйи биноси собиқ «Оқсув» ширкат хўжалиги балансида бўлиб, 2000 йилга қадар у ерда Учкўприк тумани маданият ишлари бўлимининг маданият уйи фаолият кўрсатиб келган. Кейинчалик бино авария ҳолатига тушиб қолган.

Туман маданият ишлари бўлими таъмирлаш ишларини амалга ошира олмаган. Бино қаровсиз аҳволда қолган. Ҳозир у туманда ташкил этилган тугатиш комиссияси ихтиёрида. Шунингдек, ҳозирда «Кўқонсой» бетон канали устига ноқонуний ўрнатилган бетон плиталар ҳам олиб ташланди».

«Энг иқтидорли ёш истеъмолчи – 2006»

Урганчда "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006" республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Республика Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу танловда туман босқичларида ғолиб чиққан энг иқтидорли ёшлар иштирок этдилар.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимини, истеъмолчилик маданиятини оширишга қаратилган мазкур тадбир жойлардаги ўқув муассасаларида "Истеъмолчи ҳуқуқи" махсус курсларининг қандай ўқитилаётганини ойдинлаштириб берди. Танлов ғолиблари эса республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ПОПДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

— Юринг, энг аввал Сизга Попни бир кўрсатай, кейин бафуржа гурунглашамиз, — дея қўшни вилоятдан келган қадрдонини туман маркази бўйлаб сайрга чорлади Тўхтасин ота. — Мана бу бизнинг Санъат саройимиз, қаранг, катта шаҳарлардаги кошоналардан сираям кам эмас-а? Ҳокимликнинг ёнидаги анови ҳашаматли бино касб-ҳунар коллежи, битган пайтда киргандим, баланд-баланд хоналар, девор ва шифтларининг ярқирашидан кўзимиз қамашиб кетди. Марказий шифохона ҳам зўр, беморлар ётадиган хонадан тортиб, дўхтирларга берилган асбоб-ускунасигача замонавий. Бунақасини илгари фақатгина телевизорда кўрардик.

Поп шаҳри чеккасидаги «Келачи» маҳалласида яшайдиган нафақахўр Тўхтасин Иноқов шу куни меҳмонига туманда амалга оширилаётган хайрли ишлардан мириқиб сўзлади, уларни ўз кўзи билан кўрсин, дея эринмай айлантирди. Фахр билан кўрсатса бўладиган ўзгаришлар эса бу ерда анчагина. Ҳудудга келган кишининг нигоҳи, энг аввало, кафтдай текис йўлларга тушади. Марказ ва қишлоқларни кесиб ўтган автомобиль йўлларининг узунлиги минг километрдан ошиқ. Уларни навбати билан кенгайтириб, мукаммал таъмирдан чиқаришяпти, жаҳон андозаларига мослаштиришяпти. Ахир йўлларимиз ҳам ўзбекнинг фахрининг бўлган «Нексия», «Матиз», «Тико», «Дамас»ларбоп бўлмаса ярашмайдида. 2005 йилнинг ўзида тоғлар бағридаги Чодак қишлоғида икки чақирим йўл йўлсозлар қўлидан ўтди. «Поп-Уйғурсой-Хўжабод» трассасида ҳам автоуловлар қатнови учун қулайликлар яратилди. Унинг кенглигини 23 метрга етказиб, қайта асфальт билан қоплаш учун 600 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ижтимоий иншоотлар, инфратузилманинг бошқа тармоқлари қурилиши эса кун тартибидаги биринчи даражали масалалардан бўлиб турибди. Айтиш мумкинки, туман маркази, унга яқин қишлоқлардаги умумтаълим мактаблари ҳамиша раҳбарлар нигоҳида, эътибор шунга яраша. Кейинги пайтларда чекка ҳудудлардаги билим даргоҳларига ҳам файз кириб боряпти. Ҳукумат дастури асосида Чодак қишлоғидаги 20-, Қўшминордаги 60-мактаб бинолари реконструкция қилинди, бошқа қишлоқлардаги яна бешта умумтаълим мактаби мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан иккита қишлоқ врачлик пункти қурилиши ниҳоясига етказилди. Харажатлари пулга чақилса, каттагина маблағ йўналтирилганини англаб олиш қийин эмас.

Қурилиш, ободонлаштириш ишлари кўлами кенгайишида биргина давлат маблағларига кўз тикиб ўтирмай, ички имкониятлар ҳам ишга солинаётгани масалалар ечимини тезлаштириш имконини бераётир. Бу, айниқса, қишлоқларда рўёбга чиқарилаётган хайрли юмушларда яққол кўзга ташланади. Айни пайтда туманда табиий газ билан таъминланиш даражаси 87 фоизни ташкил этади, аҳолининг 78,8 фоизи тоза ичимлик сувидан баҳраманд. Бироқ, ўтган йил охирларига келиб, Голиблар шаҳарчаси, Маданият қишлоғига сув, Умурзоқов номли қишлоқ фуқаролар йиғини, Гурумсаройга газ етказиш муаммоси кескинлашди. Табиийки, қўшимча манбаларни қидириб топишга тўғри келди. Маълумотларга қараганда, ҳозиргача 13 километрга табиий газ, 7 километрга тоза ичимлик суви тармоғи тортилди. Демак, юқоридаги масала ҳам тез кунларда ечимини топади.

Қишлоқ инфратузилмаси

— Кўпчилик бош қўшаётганидан маҳаллаларимиз гўзаллашаяпти, гузарлар, янги-янги маиший хизмат шохобчалари бунёд этиляпти, одамларимизга қулайлик яратилаяпти, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқодир Назаров. — Мисол учун, Мирзаороллдаги қишлоқ врачлик пунктини олайлик. Уни фойдаланилмай ётган бинони мослаштириш орқали қурдик. Бор-йўғи ўн миллион сўм пул сарфланди. қолганига ҳудуддаги «Поп» ширкат хўжалиги, фермерлар, фуқаролар ҳисса қўшишди. Эллик ўринга мўлжалланган тиббий шохобчанинг ишга тушиши, биринчи навбатда, шу ерда яшайдиган аҳолига қулайлик яратди, улар даволаниш учун узоқ йўл босиш ташвишидан қутулишди.

Кўпчилик билан битадиган юмуш ташаббус, намуна билан рўёбга чиқади. Ҳокимлик туман марказини замонавий жиҳатдан янгилашда пишиқ-пухта лойиҳалари билан иштирок этишлари мумкинлигини билдиргандан сўнг, кўплаб тадбиркорлардан амалий таклифлар тушди. Маданият ва истироҳат боғини дилтортар масканга айлантиришда ана шу таклифлардан кўпроқ фойдаланилди. Масалан, фермер Фаёзовлар «Шаршара» чойхонасини тиклаб, қарияларнинг дуосини олди. Унинг ёнида Олимжон Камолов икки қаватли «Водий» умумий овқатланиш шохобчасини қурди. Бошқа бир қатор ишбилармонлар томонидан тикланган музқаймоқ, гул дўконлари, турли кўнгилочар ўйингоҳлар маскан кўркини бутунлай очиб юборди. Шаҳарнинг гавжум жойларидан бирида «Фазилат медикал» хусусий шифохонасини ишга туширган Ф. Ғаниева, даволаш ва ташхис қўйиш бўйича ўз хизматини таклиф этиб, кўпчилик дардига малҳам бўлаётган Бахтиёр Ортиқов барпо этган биноларнинг чиройига ҳам ҳавас билан қарайсиз.

Попдаги ўзгаришлар туман иқтисодий салоҳиятининг ортаётгани, қолаверса, кишилар онгидаги янгиланиш самарасидир. Айни пайтда туман тўла хўжалик ҳисоби, яъни ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш йўлидан боряпти. Маҳаллий бюджет мавжуд корхоналар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг фаол иштироки билан шакллантирилмоқда. Бунда, айниқса, «Поп фен», «Исковуттекс» сингари қўшма корхоналар, «Ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари» ҳиссадорлик жамияти меҳнат жамоаларининг ҳам ҳиссаси катта. Рўйхатдан ўтиб ишлаётган 102 кичик корхона ва 1258 микрофирма томонидан жорий йилнинг ўзида 13 миллиард 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аграр соҳадаги натижалар ҳам чакки эмас. Ёз фасли бошларида омборлар ғаллага тўлган бўлса, давлатга пахта етказиб бериш бўйича шартномавий режа 7 октябрдаёқ уддаланди. Ҳар икки соҳадан олинган соф фойда 2,7 миллиард сўмдан ошди. Бу — туман хазинасига анчагина барака, дегани.

— Иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар самараси тобора салмоқли бўлиб боряпти, — дейди пировардида А. Назаров. — имкониятларимиз кенгайгани ижтимоий-маиший соҳа, жумладан, инфратузилмани ривожлантириш борасидаги вазифалар ижросини жадаллаштиради. Айни кунларда амалга ошириш йўлида ҳаракат қилаяпмиз.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Амалий қўлланма



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан муҳим амалий тўплам чоп этилди. Тўпламдан Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — олий қадрият» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари ва туманлар ҳокимлари иштирок этган «Ўзбекистон: демократлаштиришни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида» мавзуидаги минтақавий семинар материаллари ўрин олган.

Ҳуқуқий жамият сари

Мазкур тўпламда Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан асослаб берилган мустақил Ўзбекистонда демократик жамиятни қуришнинг ўзига хос моделини ифодалайдиган «Бугунги замонда асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлатни ер юзида учратиш қийин», «Барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яккаю ягона — универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас», «Ҳар қандай демократия ҳар бир мамлакатнинг тарихий, миллий, диний хусусиятларига асосланиши керак», «Демократияни зўравонлик билан жорий қилишга уринишлар коммунистик мафкурани ёйишга ўхшайди», «Биз демократияни жорий этиш тўғрисидаги шиорларга яшириниб олиб, мамлакатимизнинг ички ишларига қўпол равишда аралашишига мутлақо тоқат қилмаймиз» каби тезисларнинг мазмун-моҳияти ўз аксини топган.

Бундан ташқари, тўпламда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Конституциявий қонунлар ва қонун ҳужжатларидан кўчирмалар, мавзуга оид тест саволлари ва фойдаланилган асосий тушунчаларнинг схемалардаги ифодаси акс эттирилган.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича муассасалар, адлия, суд, ички ишлар, прокуратура органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, аспирантлари, магистрантлари ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

Билимдон ҳамширалар танлови

Жиззах вилоятидаги қариялар, фахрийлар, ногиронларга хизмат кўрсатувчи тиббий даргоҳлар, дам олиш масканларида ишлаётган ҳамширалар ўртасида "Энг яхши ҳамшира" кўрик-танлови ўтказилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан уюштирилган ушбу танловда ҳамшира қизлар ўзларининг назарий билимларини, амалий фаолиятдаги уддабуронликларини намойиш этдилар. Шу билан бирга, ҳамшираларга танловда ғолиб чиқиш учун кундалик уй-рўзғор юмушларини бажаришга, ўзларининг адабиёт ва санъат соҳасдаги билимлари, маҳоратларини кўрсатишга тўғри келди.

Кўрик-танлов якуни бўйича Зомин туманидаги "Мурувват уйи" ҳамшираси Шаҳноза Абдуқодирова "Энг яхши ҳамшира" деб тан олинди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Мулк шакли ўзгаргач...

Қарши туманидаги Яхши Омонов номидаги ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилгач, ишлар ижобий томонга силжиди. Масалан, собиқ хўжаликнинг чорвачилик фермаси ўрнида ташкил этилган "Ширкентбулоқ-Замин" масъулияти чекланган жамиятида кўрсаткичлар қисқа вақт ичида икки бараварга ошди. Бу ишловчиларда меҳнатга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаргани билан боғлиқ.

Жамият раиси Мейли Суюновнинг айтишича, жорий йил охиригача бу ерда сутни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхонани ҳам ишга туширишрежалаштирилган.

СУРАТДА: чорвадор Ўрол Суяров.

Ш.ШАРОПОВ(ЎзА) олган сурат.

Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала

Ер деҳқончиликнинг сир-асрорини яхши биладиган, унинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланадиган, ўз тақдирини у билан боғлай оладиган фидойилар қўлига ўтсагина олтинга, сув зарга айланади. Мабодо, у ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик йўли билан ер илмидан хабарсизлар қўлига тушиб қолса борми, гул ўрнида алаф битади, яъни увол бўлади.

ХОЛИСЛИК, ОШКОРАЛИК – АДОЛАТ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сонли Фармони, 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 255-сонли Қарори, айниқса, бу борада ҳаётбахш ҳужжат бўлди. Ана шу ҳужжатлар талаблари ижросини таъминлаш бўйича Андижон вилояти прокуратураси томонидан ўтган даврда кенг кўламли ишлар олиб борилди. Хусусан, ҳукумат дастурига кўра, ғаллачилик-пахтачилик йўналишида 81 та, мева ва сабзавотчилик бўйича эса ихтисослашган 12 та ширкат хўжалиги тугатилиши кўзда тутилган эди. Танловлар чоғида биринчи йўналиш бўйича 1 610 та фермер хўжалиги ташкил топди. 70 352 гектар ер уларнинг тасарруфига ўтди. 16 та фермер эса сабзавотчилик йўналишида 53 гектар майдонга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, — дейди вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи Бахтиёр Отажонов, — танлов ғолибларини аниқлашда адолат ва ошкоралик мезонларига тўла амал қилинди. Бу борада республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом» талаблари жойларда аниқ ва бир зайлда бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилгани муҳим омил бўлди. Мен нималарни назарда тутаяпман?

Прокуратура органлари томонидан танловларнинг қонуний, ошкоралик, ҳаққоний ва адолатли ўтказилиши, ғолибларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларини тушунтириш юзасидан марказий ва вилоят телевидениесида, оммавий ахборот воситаларида «Эртага ер эгаси ким бўлади?», «Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб вазифа» мавзуларида мулоқотлар олиб борилди, чиқишлар уюштирилди, тугатилаётган хўжаликларда ишловчилар, жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди.

Афсуски, ана шу тадбирларга қарамасдан, айрим ҳудудларда тугатиш комиссияларининг масъуллари ўзларига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиш, масалага масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари ҳам содир бўлди. Оқибатда фуқаролар томонидан қалбаки ҳужжатлар тақдим этилди. Балларни сунъий кўпайтириш мақсадида кўзбўямачиликка қўл урилди. Масалан, Бўз туманининг «Ховос» маҳалласида яшовчи Ҳалимжон Қодиров танловда ғолиб чиқиш учун муайян ҳуқуқ берадиган меҳнат дафтарчасининг иш стажига оид қисмига ўзгартиришлар киритиб олган бўлса, «Ғалаба» кўчасида истиқомат қилувчи Мўминжон Жалилов таниши Муҳаммаджон Жалиловга тегишли бўлган автомашинанинг паспортини қалбакилаштирган ҳолда қайта ташкил этиш комиссиясига тақдим этган. Навоий номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Раҳмон Усмонов, Зайнобиддин Тўрақулов ва Абдусамат Фозиловлар ҳам айнан шундай сохтакорликка қўл урганларига нима дейсиз?

Энди мана бу мисолларга эътибор беринг. Фуқаро А.Қорабоев Марҳамат туманидаги У.Қорабоев номли ширкат хўжалигида ўтказилаётган танловда қатнашиш учун укаси Ҳ.Қорабоевнинг Андижон гидромелиорация техникумини тамомлаганлиги ҳақидаги дипломига ўзининг исми «Абдулҳафиз»ни ёзиб, нусха кўчириш мосламаси ёрдамида қалбакилаштирган бўлса, М.Сотволдиев Кўрғонтепа туманидаги «Истиқбол» ширкат хўжалиги, Б.Тошохунов Шаҳрихондаги И.Маматов номли, Р.Ғозиев Андижон туманидаги «Ойдинбулоқ» ширкат хўжаликлари қайта ташкил этиш комиссияларига қалбаки дипломларни тақдим этганликларини қандай баҳоласа бўлади? Пировардида уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Шу билан бирга, танлов тадбирлари бошлангунга қадар ўтказилган текширишларда ҳам қонунбузарликларни бартараф этиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар номига 8та тақдимнома киритилган эди. Якунда эса 200 нафар масъул шахс огоҳлантирилиб, улардан 8 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузарликлар юзасидан эса 22 та жиноят иши қўзғатилди.

Айтиш жоизки, Президентимиз Фармони ва қарорларининг талаблари босқичма-босқич амалга оширилаётир. Жумладан, 63 та чорвачилик комплекси, боғ-роғларнинг «Кимошди» савдолари ҳам адолат мезонлари асосида ўтказилишига эришилмоқда. Мақсад битта: мулк ўз эгасини топсин, бозорларимиз сифатли, арзон мева-чевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари билан тўлиб, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Ўшандагина деҳқон ва фермернинг юзи ёруғ, қадди эса тик бўлади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛЯПТИ

Оқолтин тумани МТП механизаторлари ёзги ғалла ўримига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бунинг учун йил бошида етмиш миллион сўм маблағ ажратилиб, зарур эҳтиёт қисмлар олиб келинди.

Устахонанинг ўзида пайвандлаш, токарлик цехларининг ишлаб тургани таъмирловчилар ишини осонлаштирмоқда. Айрим деталлар устахонанинг ўзида тайёрланаётгани эса таъмирчилар учун яна бир қулайликдир. Созланган техника воситаларини сифат комиссияси назоратдан ўтказиб, қабул қилиб оляпти. Шу кунгача 17 та комбайн мавсумга созлаб қўйилди. Қолган учтаси ҳам ҳадемай мукаммал таъмирдан чиқарилади.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.

Ислоҳот ва самара

Ўтган йили сирдарёликлар давлатга ғалла топшириш бўйича шартнома режасини республикада 5-ўринда бажардилар. Кузда, биринчилар қаторида бўлмаса-да, пахта топшириш режаси ҳам уддаланди. Сўнгги 15 йил ичида биринчи марта шундай ютуқларга эришилганини ҳисобга олсак, бу алоҳида воқеа эканини тасаввур этиш қийин эмас. Хўш, унинг омиллари нималардан иборат?

...Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида Президентимиз ҳозирги босқичда фермерлар томонидан ўзи ишлаб чиқараётган чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ихтиёрийлик асосида кооперациянинг турли шаклларини яратишга қаратилган таъсирчан механизм ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Маърузани ўқирканман, Сирдарёда қишлоқ хўжалиги бошқарувини такомиллаштириш борасида жорий этилган ихтиёрий тузилма — Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасини ташкил этиш тажрибаси ёдга тушди.

ИШЛАШНИ ХОҲЛАГАН

ёки Сирдарё вилоятида 15 йилдан буёғига биринчи марта деҳқончилик маҳсулоти

...Мана, чиройли муқовали «Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасининг Намунавий Низоми», «Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасида иш юритишни ташкил этиш тўғрисидаги «Йўриқнома» ва бошқа бир қатор ҳужжатлар. Булар асосида вилоятда фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмалари фаол ишлаяпти. Натижада фермерларнинг ҳам, туман ҳокимларининг ҳам «жони кириб қолди».

Гап шундаки, илгари туман ҳокими ширкат хўжаликларини бошқариб турган: жами 12 та хўжалик бўлса, унинг 12 нафар раҳбари — раиси бўлган-у, биринчи раҳбар туман иқтисодиётини ҳам, ижтимоий-маданий ҳаётини ҳам мана шу раислар орқали бошқарган. Ширкат хўжаликлари тарқатилиб, улар фермер хўжаликларига айлантирилгач, нима бўлди? Тасаввур қилинг: туманда мингта фермер ва битта ҳоким қолди. Ўртадаги бошқарув бўғини йўқолди. Натижада, зарур бўлганда, баъзан бирон фермерни топиш учун «чопар» юборишга ҳам тўғри келарди.

Энди фермерларнинг ўзини олсак, улар кимлар? Собиқ ўқитувчи, дўхтир, милиционер, муҳандис. Ер — илм. Улар ер илмини биладими? Йўқ. Уларга агроном, энтомолог, мелиоратор, ҳуқуқшунос керакми? Керак. Бу мутахассислар эса 5 йил олий ўқув юртида ўқигач, мутахассис бўлади. Ўн-ўн беш гектар ери бор ҳар бир фермер уларни ёллаб, маош тўлаб ишлата оладими? Йўқ. Оқибатда муаммо кўндаланг бўлди: ер ва саводсиз фермер бор, мутахассис йўқ!

Яна фермернинг ҳиқилдоғидан оладиган МТП, яъни машина-трактор парки ҳам мавжуд. Битта фермернинг бир ўзи улкан техникани, масалан, экскаватор ёки комбайнни сотиб ололмайди. Мабодо шу мақсадда банкдан кредит олса, уни тўлагунча она сути оғзига келади. Кўпчилик фермерлар бирлашиб бу техникани олсачи, умрбод хизмат қилади — кўпчиликка оғир эмас-да.

Мана шунақа бошбошдоқлик, бошқарув механизмининг издан чиққанлиги туфайли вилоятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йил сайин орқага қараб кетаверди. Ер унумдорлиги пасайди, чунки унга қарайдиган, тилини билиб парваришлайдиган мутахассис йўқ. Трактор, бульдозер, экскаватор деган зарур ва гигант техникалар эса ширкат хўжаликлари билан баравар йўқ бўлиб кетди...

Оқибатда нима ёмон — Сирдарёнинг ери ёмон! Унумдорлик пасая-пасая 30-20 фоизгача тушиб қолди. Сабаб ҳам, баҳона ҳам шу — тупроқни шўр босган. Шўр босгани рост, лекин нега босган, нега бу шўр илгаригидек ювилмаяпти? Бу саволга жавоб йўқ.

Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси ана шу тарқоқликни бирлаштириши, йўқолиб кетган бошқарув бўғинини тиклаши, фермерларни зарур техника, агрономия, кимё, биология, мелиорация, ҳуқуқ хизмати билан таъминлаши, маҳаллалар ва бошқа ҳудудларда ободончиликка ҳисса қўшиши лозим эди.

Шундай бўлди ҳам.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан бошланган бу ишни вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлади, унинг кўмагида республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда пишиқ-пухта, ҳар томонлама асосланган ҳуқуқий пойдевор яратилди. Бамаслаҳат тегишли Низом, Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасида иш юритишни ташкил этиш Йўриқномаси ишлаб чиқилди. Уларда уюшманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари, қайси ходим нима иш билан машғул бўлиши, турли идоралардан келган ҳужжатларни қандай қайд қилиш ва жўнатиш, ижросини қай тарзда назорат этиш, «Фуқароларнинг аризаларини рўйхатга олиш китоби»ни қандай юритиш, штамп ва муҳрни, техника воситаларини русуми бўйича рўйхатга олиш, фермер хўжаликларига маслаҳат, ёрдам ва тавсияларни қайд қилиш китобларини қандай юритиш ва бошқа шу каби барча фаолият турлари икирчикирларигача Йўриқномада кўрсатилди.

Хуллас, мана шу ҳужжатларнинг барчаси тахт қилингач, фикр-мулоҳазалар пишиб етилгач, Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасини ташкил этишга бағишланган биринчи йиғилиш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири иштирокида 2005 йил 2 январда вилоят ҳокимлигида ўтказилди. Маъқулланди, фикр ва таклифлар билан тўлдирилди. Иккинчи йиғилиш туманлар ҳокимлари ҳамда вилоятнинг қишлоқ хўжалигига алоқадор барча фаоллари иштирокида ўтказилиб, вилоят қишлоқ хўжалигида янги тузилма - Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасининг Низоми эълон қилинди. Яъни, янги тузилманинг мақсад ва вазифалари ўртага ташланди, тушунтирилди. Барчага бирдек маъқул тушди, вилоят ҳокимининг 2005 йил 16 январдаги фармойиши билан эса шу Намунавий Низом жойларда татбиқ этишга тавсия қилинди.

Шундай қилиб, вилоят бўйича жами 7 мингта фермер хўжалигини бирлаштирган, 1582 нафар олий маълумотли мутахассис ишлайдиган 97 та ҳудудий уюшма ташкил этилди. Ҳар бир ҳудудда фермерлар таъсис мажлисини ўтказиб, Низомни тасдиқлаб, вилоят адлия бошқармасида рўйхатдан ўтди. Туман ҳокимликлари эса уюшма идораси учун бино қуриш ёки ажратишда ёрдам бердилар.

Бир уюшмада, ҳудуднинг жойига қараб, 50 тадан 150 тагача фермер бор. Уюшма — ихтиёрий тузилма. Ва бунга бирлашишдан бош тор-

Изладим

Ёқмайин кимгадир тўғри сўзим,
Ё нажот излаган мунгли кўзим,
Сабр-тоқатимга тилабон тўзим,
Садоқатли бир чин дўст изладим.

Бировлар талаб қилдилар амал,
Билиб ўзларин етук, мукаммал,
Баҳолашга хос, дўстона сўзим,
Фасоҳатли бир чин дўст изладим.

Гоҳи ботиллик устун қўйилди,
Гоҳи эзгулик кўзи ўйилди.
Атлас шоҳидек кўргучи бўзим,
Қаноатли бир чин дўст изладим.

Қудрат етгунча дунёни кездим,
Кимни ёқтириб, кимлардан бездим.
Тинглашга гоҳ шўх, гоҳ мунгли созим,
Малоҳатли бир чин дўст изладим.

Дилда орзулар тахи шашқатор,
Аларга етиш бўлди кўп душвор.
Тотгали баҳам нону ҳам тузим,
Иноятли бир чин дўст изладим.

Тўртликлар

Баъзида очмиз-у, баъзида тўқмиз,
Бугунча бормиз-у, эртага йўқмиз.
Қушнинг уйқусидек қисқа умрда,
Қадимдан тақдиру азалга ўқмиз.

* * *

Умрингдан яна бир туну кун кетди,
Сен эса бепарво, чекмайсан қайғу.
Қайтмас бўлиб улар манзилга етди,
Мозийнинг қўйнига жойлашиб мангу.

* * *

Инсон умри кафтдаги қумга ўхшайди,
Қум мисоли қололмассан уни ушлаб.
Билмассан, поёндозин қачон тўшайди
Ажал олиб кетишчун сени бошлаб.

Абдулла ШОНОСИР.

Шифокорлар ва юртимиз аҳолиси диққатига!

ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали
12 март куни
соат 14.30 дан 15.00 гача

Ҳомийлар ва шифокорлар йили Давлат дастури доирасида

Ўзбекистон Республикаси ССВ Бош аллерголог врачи, Европа Аллергологлар уюшмаси аъзоси,

профессор
Озодбек Аҳмедович Назаров

билан **«Аллергик касалликларни даволашнинг замонавий усуллари»** мавзусида телефон орқали бевосита мулоқот ўтказади. Ўзингизни қизиқтирган мавзулар бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

113-31-32, 113-31-58, 133-04-68.

Бевосита мулоқотни қуйидаги тўлқинларда тинглашингиз мумкин:
Тошкент ва Тошкент вилоятида: 103.1 FM, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухорода 102.0 FM, Хоразмда 103.5 FM, Навоийда 100.2 FM, Фарғона водийсида 103.7 FM, Ўрта тўлқинларда (MW) 282.5 Кгц ва узун тўлқинларда (LW)1 851.9 Кгц.

Мулоқот ҳомийси:
NOBEL
PHARMSANOAT
Шифо учун энг яхши муваффақият!

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсия қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

I. 2006 йил 5 апрель соат 10.00да

Йўналишли такси йўналишлари:

102 й.т.	"Юнусобод, 10-даҳа АШБ — Шимолий вокзал АШБ"
157 й.т.	"Шаҳристон АШБ — Консерва заводи"
35 й.т.	"Сирғали, 7-даҳа АШБ — Адабиёт институти"
7И й.т.	"Чилонзор буюм бозори АШБ — С.Раҳимов метро бекати"
90И й.т.	"Чилонзор буюм бозори АШБ — Карвон бозори"
165 й.т.	"Чорсу савдо маркази АШБ — "Гулистон" маҳалласи"
127 й.т.	"Юнусобод, 17-даҳа — Чорсу савдо маркази АШБ"
128 й.т.	"Чуқурсой — Ҳ.Абдуллаев метро бекати"
131 й.т.	"Чорсу савдо маркази АШБ — Ат-Термизий кўчаси"
132 й.т.	"Қўйлиқ бозори АШБ — "Оҳангарон" кўчаси"
134 й.т.	"Москва остонаси АШБ — Юнусобод, 19-даҳа АШБ"
120 й.т.	"Беруний метро бекати — Юнусобод, 6-даҳа, АШБ"
144 й.т.	"Шаҳристон АШБ — "Гулистон" маҳалласи"

Автобус йўналишлари

21	"Юнусобод, 6-даҳа АШБ — Мустақиллик метро бекати АШБ"
121	"Изза микрорайони — Юнусобод, 10-даҳа АШБ"

II. 2006 йил 4 май соат 10.00да

Йўналишли такси йўналишлари:

117 й.т.	"Қорақамиш 2/3 даҳаси — Беруний метро бекати АШБ"
125 й.т.	"Сирғали-Дўстлик — 2-сонли туғруқхона"
151 й.т.	"Оқтепа, маҳалласи — Юнусобод универсами"
155 й.т.	"Истиқлол, мавзеси — Москва остонаси АШБ"
164 й.т.	"Истиқлол кўчаси — Чорсу савдо маркази АШБ"
6 й.т.	"Чкалов м.б. АШБ — "Галабанинг 40 йиллиги" мавзеси АШБ"
100 й.т.	"Ўрикзор маҳалласи АШБ — "Олой" бозори АШБ"
68 й.т.	"Ҳасанбой — Чорсу савдо маркази АШБ"
13 й.т.	"Бирлик» маҳалласи — "Пахтакор" метро бекати АШБ"
79 й.т.	"Аэропорт АШБ — "Алгоритм" мавзеси"
94 й.т.	"Чорсу савдо маркази АШБ — Қорақамиш 2/3 даҳаси"
13М й.т.	"Кадишев АШБ — Юнусобод, 6-даҳа АШБ"
14М й.т.	"Чилонзор", 25-даҳа АШБ — Қўйлиқ-2 АШБ"

Автобус йўналишлари:

133	"Олой бозори АШБ — F.Абдуллаев маҳалласи"
174	"Чилонзор 25-даҳа АШБ — Бўзсув маркази"
180	"Қўйлиқ бозори АШБ — Ўртасарой"

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг бош амалиёт бўлимига 20210000504461351001 х/р (банк коди 00407, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га 26 минг 450 сўм ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур I-тор кўчаси, 6-уй.
Маълумот учун телефонлар: 133-89-58, 136-00-91.

2265R/432

АВТОМОБИЛИ В КРЕДИТ И В ЛИЗИНГ

РОССИЙСКИЕ АВТОМОБИЛИ МАРКИ ГАЗ

ОТ ОФИЦИАЛЬНОГО ЭКСКЛЮЗИВНОГО ДИСТРИБЬЮТОРА В УЗБЕКИСТАНЕ

AVTODOM PLUS

ГАЗ-3102 «Волга»

ГАЗ-3302, бортовой, г/п — 1,5 т, 3 места

ГАЗ-22171, «Соболь», комфортабельный микроавтобус, 6 мест

ГАЗ-33104, «Валдай», г/п — 4,5 т

ГАЗ-330202, бортовая с тентом, г/п — 2 т

ГАЗ-3302, хлебовоз, кол-во лотков — 112 шт., кол-во мест — 3

ГАЗ-33023, г/п — 1,5 т, мест — 6

ГАЗ-330900, мусоровоз

А ТАКЖЕ ПРИНИМАЕТ ЗАКАЗЫ НА ПОСТАВКУ СПЕЦТЕХНИКИ:

СКОРАЯ ПОМОЩЬ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ГРУЗОВИКИ: продовольственные, промтоварные, изотермические, хлебные, вакуумные, автогидроподъемники, автомастерские, буровые, мусоровозы, мобильные билборды, автоэвакуаторы, грузовики для перевозки газовых баллонов.
АВТОЦИСТЕРНЫ: "Молоко", топливозаправщики, самосвалы.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ ШИРОКИЙ ВЫБОР АВТОМОБИЛЕЙ МАРКИ "ГАЗ"

Автомобили «Волга», грузовики г/п — 1,5-4,5 т, цельнометаллические фургоны 3-7 мест, г/п — 0,8 т, микроавтобусы 6-15 мест.

ФОРМА ОПЛАТЫ — ЛЮБАЯ

700015, Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Шахрисабз, 16а.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Горячая линия: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

2274H/078

ҚАРШИ ШАҲАР «NASAF-TRAVEL» КОМПАНИЯСИ

«САЁҲАТЧИЛАР КОМПЛЕКСИ» ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАСИ ЕЧИМИ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Саёҳатчилар учун барча қулайликларни таъминлаш: жаҳон стандартларига мос 60 ўринли (3 юлдузли), саёҳатчилар дам олиш хоналари, ресторан, кафе, конференц-зал, сауна, бассейн, замонавий ахборот алмашуви, автомобиллар туриш жойи кўзда тутилиши лозим.

Бино 3 қаватдан иборат бўлиб, меъморий жиҳатидан замонавий ва миллий ечимларда бўлиши керак.

Саёҳатчилар комплекси лойиҳаси атрофида камида 0.8 га ер майдони ободонлаштирилиши, ҳудудда ландшафт архитектураси кўзда тутилиши лозим.

Ҳар бир ғолиб лойиҳа учун алоҳида қуйидаги мукофотлар таъсис этилади:

Биттa биринчи ўринга — 500 000 сўм.	Биттa иккинчи ўринга — 250 000 сўм.	Биттa учинчи ўринга — 150 000 сўм.

Танлов муддати — 2006 йил 1 апрелгача.

Танлов материалларини Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 245-уй, «NASAF-TRAVEL» компаниясига 2006 йил 1 апрелгача тақдим этиш лозим. Лойиҳа таркиби ва маълумот учун телефон: 221-14-74, тел./факс: 227-13-71. E-mail: nasaf-tr64@mail.ru

2276H/421

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ИМКОНИЯТ ҚИДИРАДИ

етиштириш бўйича шартнома режалари бажарилишининг омиллари ҳақида

тадиган фермернинг ўзи йўқ. Чунки уюшма фақат фермер манфаати учун хизмат қилади, унинг оғирини енгиллаштиради, харажатларини камайтириб, иқтисодиётини мустаҳкамлайди, ҳосилдорликни оширишни таъминлайди, турли судларда ва бошқа идораларда унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади. Шунингдек, фақат агрохизмат кўрсатиш билан чекланиб қолмай, маҳаллаларда ободончиликка ҳам қарайди. Қишлоқлар илгари ширкат хўжаликлари ҳисобидан солиш учун ишлаб чиқилган Йўриқнома ҳам ҳудудларга тарқатилган ва шу асосда барча жойларда бир хил тартибда иш олиб борилмоқда. Сирдарё туманидаги энг намунали «Малик» фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасида семинар ўтказилгандан кейин илғор тажриба бошқа ҳудудларга ҳам ёйилган.

Вилоят қишлоқ хўжалигида 2005 йилда эришилган ютуқларда, хусусан, узоқ йиллик мудроқликдан кейин бирдан уйғонишда, сўзсиз ана шу Фермер хўжалиги ҳам ўзига, ҳам эл-юрт ва мамлакатга фойдали уюшмага бирлашишнинг мантиқан ёмон томони йўқ. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 25-моддасида «Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиши, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳам бошқа бирлашмаларга кириши мумкин» деб ёзиб қўйилган.

2004 йилда вилоятда пахта ва ғалла етиштиришдан жами 7 миллиард 916 миллион сўм соф фойда олинган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 18 миллиард 178 миллион сўмга етди. Ўсиш — салкам икки ярим баравар!

Эришилган натижалар чегара эмас. Шу боис жорий йил мўл ҳосили учун бугундан пухта замин ҳозирланмоқда. Хусусан, ҳосилдорликнинг асоси бўлган ерни соғломлаштириш диққат-эътиборда. Ҳозиргача жами экин ерларининг 80 фоизида шўр ювилди, 2,5 миллиард сўмга 80 та занжирли «ВТ» ва «Олтой» тракторлари сотиб олинди. Яна 2,5 миллиард сўмга Германиянинг 30 та «Класс» комбайнини харид қилиш учун фермерлар билан шартномалар тузилган. Ана шу техника воситалари ёрдамида давлатга ғалла топшириш режасини республикада биринчи бўлиб бажариш мумкин. Қолаверса, хазинада яна 13 миллиард сўм маблағ турибди.

Чамаси, айтилмаган яна битта гап қолди: вилоятда 2005 йил ҳосилини барча деҳқонлару фермерлар янги тайинланган раҳбарлар билан бақамти йиғиштириб олишди. Пировардида ҳамма бир ҳақиқатга ишонч ҳосил қилди: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юргизиш механизми яратилди. Бу механизм ишлаяпти. Бақириқ-чақириқсиз режалар бажарилаяпти. Фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси эса ана шу улкан механизмни ҳаракатлантирувчи қисмларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик ва бамаслаҳат саъй-ҳаракатлардан кўзланган энг асосий мақсад — вилоят иқтисодиётини ривожлантириш орқали халқнинг турмуш даражасини тобора юксалтириш. Ва бу мақсаднинг рўёби йўлида дастлабки қадамлар қўйилди, ютуқлар эса салмоқли бўлмоқда.

Ҳа, аҳиллик, бирдамлик бор жойда ҳамиша муваффақият, файзу барака инсонга ҳамроҳ бўлаверади.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДИҚҚАТ

КЎЧМАС МУЛК САВДОСИ!

«Эрон Содерот банки"нинг Тошкент-даги шўъба банки

Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида жойлашган қуйидаги мулкни сотади:

Маъмурий бино — 3 130 м.кв.

Ишлаб чиқариш бинои ва омборлар — 4 350 м.кв.

Умумий ер майдони — 35 792 м.кв.

Объект сув, электр энергияси ва телефон билан таъминланган ва ширин маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналар бор.

Савдо шартлари ҳақида тўла маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Миробод тумани, Чехов к., 10-уй (мўлжал: Қозоғистон элчихонаси).

2265R/435

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА! **"Тошкент-Аэро" ИБК**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтига

ТИНГЛОВЧИЛАР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Танловда иштирок этиш шартлари қуйидагича:

— жисмонан соғлом, ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинади;

— ёши 17 дан 23 гача бўлган, бўйи 170 см. дан паст бўлмаган йигит ва қизлар.

Ўқишга кириш истагини билдирган номзодлар 2006 йил 1 майга қадар «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплексининг кадрлар бўлинмасига мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Тошкент халқаро аэропорти. Мўлжал: автобусларнинг охирги бекати. **Телефон: 120-86-35.**

2274H/078

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» маркази жамоаси Сурхондарё ҳудудий лабораторияси бошлиғи Дилором Қурбоновага онаси
Сайёра ая ЮЛДАШЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати раёсати Янгийўл шаҳар юридик маслаҳатхонаси адвокати Миясар Артикназаровага волидан муҳтарамаси
КАРОМАТ ая ва падари бузруквори СОЛИЖОН оталарнинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Республика акциядорлик тижорат банки — «Галлабанк» меҳнат жамоаси банк ходими Мирзоҳид Салимовга падари бузруквори
КАРИМЖОН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университети жамоаси «Электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар» кафедрасининг катта ўқитувчиси Ш. Ильясовга укаси, профессор
Отабек ИЛЬЯСОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Қуддус бобонинг «Жаҳли»

Қуддус Муҳаммадий болалар адабиётида салкам етмиш йил ижод қилди, етмиш йилга лойиқ маънавий дунё ҳам яратиб кетган нодир ижодкорлардан эди. Болалар унга «Қуддус бобомиз — юлдуз бобомиз» деб ном ҳам берган ва буни ашула қилиб айтиб ҳам юрар эдилар. Тақдир иноятн ила мен бу қувноқ, дилбар, бутун вужуди шеъриятдан иборат мўътабар инсон билан ҳамкору ҳамнафасликда бир неча йил бирга ишлаш бахтига мушарраф бўлганман.

Ижодкор ҳаётида гоҳо қизиқ-қизиқ воқеалар ҳам бўлиб тураркан. Ана шундай воқеалардан бири Қуддус бобомиз ҳаётида ҳам бўлган. Унинг "Табиат алифбоси" деб номланган беш томлик асарларидан иккинчи томи босилган эди. Шу муносабат билан катта тантана Пушкин номли мактабда бўлиши керак экан. Учрашувни нашриётдан Собир Юнусов, "Гулхан" журналидан Наримон Орифжонов ташкил қилишаётган эди. Қачон, қаерда учрашишади, ўзларига маълум. Биз устоз шоирни "Бешёғоч" мавзесида бир соатдан ортиқроқ кутдик. Уйига, "Гулхан" журналига қўнғироқ қиламиз, кетган, кетишган, деган жавобни оламиз. Тезроқ жўнайлик, улар аллақачон етиб бориб, бизни кутишаётгандир, деб ўйлаб Янгийўл туманидаги Пушкин номли мактабга жўнаб кетдик. Борсак, шундай катта тайёргарлик кўришибдики, таърифга сўз йўқ. Лекин шоир бобомиз ҳали келмаган экан. Кутаяпмиз-кутаяпмиз, ҳамон дарак йўқ. Болалар чарчаб қолаяпти — тўрт соат тикка туришнинг ўзи бўлмайди. "Тўйни тўй боласиз" бошлашга таклиф бўлаяпти.

Учрашув бошланди, шеърлар ўқилаяпти, устоз асарларига бағишланган саҳна кўринишлари ижро этилаяпти. Устоздан эса дарак йўқ.

Кейин билсак, у ёқда ҳам қизиқ воқеалар бўлаётган экан. Қуддус Муҳаммадийни учрашувга олиб келиши лозим бўлган Наримон Орифжонов учрашув Чиноз туманида бўлади, деб хато эшитган экан. Устозни олиб аввал Бешёғочга, сўнг "Эркин" бекатига боришибди. Демак, кетиб қолишибди, деб ўйлаб, Чиноздаги Пушкин номли мактабга қараб жўнашибди.

Мактабдагилар: "Ўзи келган меҳмон атойи Худо" дейишиб, шошилинч тарзда шунақанги катта учрашув ташкил қилишибдики, унинг овозаси бутун туманга тарқалибди.

Нашриётга қайтдик, кечки пайт эди. Қуддус Муҳаммадийнинг жаҳли чиққанини ҳеч кўрмаган эдик. Йўлакдан шундай даҳшат билан келиб, бизни кўрибок: "Собир, менга айтчи, Пушкиннинг онаси нечта Пушкин туққан? Битта областга битта Пушкин етади-да, у ёқда Пушкин, бу ёқда Пушкин" деб ерни тепиб-тепиб қўяди.

Эркин Сиддиқов деган ўртоғимиз бўларди. Шартта ўрнидан турди-да: "Янгийўлдаги Пушкин бериб юборди" деб тўн билан дўппини кийгизиб, устозни ўпа бошлади. Наримон Орифжонов ҳам эпчиллик қилди: "Мана буниси Чиноздаги Пушкиндан" дея иккинчи чопонни у кишининг елкаларига илди.

Эркин Сиддиқов:

«Устоз, Пушкиннинг онаси иккита туққан экан. Мана иккита тўн кийдингиз. Агар Пушкиннинг онаси тўртта қилиб туққанда, тўртта тўн кийган бўлардингиз", — дегач, ўртада кулги кўтарилди. Устоз ҳам кулгига қўшилиб, "Лекин тўғрисини айтсам, шоирларнинг онаси кўпинча қўшалоқ туғади" деб қўйдилар.



Болажон

Гўдак кулса, олам яшнар

«БОЛАЖОН» — янги саҳифа.

Халқимиз ҳақида гап кетса, энг аввало, «болажон», деган сифат ишлатилади. Дарҳақиқат, шундай. Ўзбек - энг оғир дамларда ҳам, энг соҳир лаҳзаларда ҳам фарзандини елкасида тутиб келган. Гўдакка меҳр-муҳаббат улашишда, борини тутишда қиёси йўқ унинг. Шунингдек, халқимиз болаларнинг одобахлоқли, фозил бўлиб камол топиши учун ҳам таълим-тарбияга алоҳида масъулият билан ёндашади. Газетамиздан жой олган янги "Болажон" саҳифаси, ўйлаймизки, ўсмир ўғил-қизларимизнинг онгу шуурига панд-насиҳат бўлиб сингади. Уларни фикрлашга, билим олишга, элу юртга муносиб фарзанд бўлишга ундайди. Ойда бир марта бериладиган "Болажон" саҳифаси билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни кутиб қоламиз.

Ота ҳақида сўз

Биринчи ривоят

Оилада ўғил улғая бошлабди, ўн тўртга кирибди, ўн бешга кирибди, ҳа, ана, ўн олтига ҳам кирибди. Лекин ўйиндан бош кўтармас эмиш, уй ишларига қарашмас эмиш. Она иш буюрса, «Ўзинг қилавер» дермиш, ота иш буюрса, «Вақтим йўқ» дермиш. Яна тағин таомнинг энг лаззатлисини сўрармиш, кийимнинг энг тозасини киярмиш.

Ота-онанинг боши қотиб қопти, «Нима қилсак, ўғлимизни меҳнатга ўргатамиз-у, нима қилсак, ҳалол ейишни ўргатамиз» деб ўйлашибди. Ўғилларини машҳур бир косибга беришган экан, косибнинг қўлида роса бир ой юрибди-ю, аммо қўлини совуқ сувга урмабди, бирор нарса ўрганай ҳам демабди. Косиб отасининг қадрдони экан, уйига қуруқ бормасин деб қўлига анчагина пул берибди. Бола уйига келиб, «Ота, мана, ишлаб келдим» деб пулни отасига берган экан, ҳамма гапдан хабардор ота пулни олиб оловга ташлабди. Пул ёнаётган эмиш-у, бола жимгина томоша қилиб турган эмиш.

Ота энди ўғлини қаттиққўлроқ ошнасининг қўлига топширибди. Бир ойдан сўнг ўғил пул олиб қайтибди. Ҳамма гапдан хабардор бўлган ота пулни олиб оловга ташлабди. Пул ўчоқда ёна бошлабди. Ўғил пулнинг ёнишини томоша қилиб турганмиш.

Ота дарғазаб бўпти. Ўғлини қўлидан етаклаб яна ҳам қаттиққўлроқ, яна ҳам талабчанроқ бир ошнасига олиб бориб, «Суяги меники, эти сизники» депти. Ўша ошнаси чиндан ҳам қаттиққўл, бир сўзли инсон экан, болани аста-секин ишга ўргатибди. Лой қилишни, ғишт қуйишни ўргатибди, ғишт узатишни ҳам ўргатибди. Ниҳоят, бир ой деганда уйига қайтаётган экан, қўлига анча-мунча пул ҳам берибди. Ўғил пулни отасига узатган экан, отаси пулни олиб ловиллаб ёнаёттан оловга ташлабди. Ўғилнинг жон-пони чиқиб кетибди, югуриб бориб, оловни ўчириб, у ёқ-бу ёғи куйган пулларни пуф-пуфлаб, бағрига босаётган эмиш. «Нега ундай қилдингиз, нега?» — деб депсинармиш.

«Хайрият, — деб хаёлидан ўтказибди ота, — ўғлим меҳнат қилишни ўрганибди, ҳалол пул топишни ўрганибди».

Ўша куни ушбу хонадонда хурсандчилик бўпти.

Уч сайёҳнинг саёҳати

Қадим-қадим замонда уч сайёҳ кенг жаҳоннинг тор кўчаларидан ўтиб, яхши-ёмонни кўриш умидида кўп эзгу ниятлар билан сафарга чиққан эканлар. Йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрибдилар. Бир маҳал йўллари пасту баланд адирлар ўртасига тўғри келиб қолибди. Тўрт томонда осмонўпар баланд-баланд тоғлар бор экан. Бундай қарашса, ҳалиги тоғлар ўрнидан қўзғалиб, «қасур-қусур» деган ваҳимали овозлар чиқариб, сайёҳларни тўрт томондан ўраб, қисиб келаётган эмиш. На қочишнинг, на қутилишнинг иложи бор эмиш. Шунда учовлари ҳам Аллоҳга хуш келадиган ишларини эслашибди. «Ўша саъй-ҳаракатларимиз Яратганга маъқул келса-ю, ушбу балони ўзи даф қилса», дея хотираларидан ўтган воқеаларни бир-бир эслай бошлашибди. Ўшаларни айтиб, тақдирларини Аллоҳга топширибдилар.

Биринчи сайёҳ кўп фақиру ҳақир экан. Уч боласи, хотини ва бир қари касалманд бўлиб бутунлай ётиб қолган отаси бор экан. Бисотларида бор-йўғи бир соғин эчкилари бор экан. Ўшанинг сутини ичиб, кун ўтказар эканлар. Хотини ҳар куни эчкини соғиб, товоқда кўпиклаб турган илиқкина сутни касалманд отасига тутиб, «Олдин сиз ичинг, рози бўлганингиздан сўнг набираларингизга бераман», дер экан. Отасининг касали оғирлашиб, беш кун беҳуш бўлиб, ётиб қолибди. Ниҳоят, бир куни кўзини очса, сут тўла товоқлар токчада қатор тўрилиб турган эмиш. «Ие, ўғлим, нега сутни ичмадиларинг? Нега набираларимни оч олиб ўтирибсизлар», деса, ўғли «Эй отажон, эй падари бузрукворим, ота рози, худо рози деганлар. Олдин бир ҳўпламдан бўлса ҳам ичиб розилигингизни айтмагунингизча сутларни тўхтатиб турибман», дебди. Миннатдор отанинг хира кўзларига маржон-маржон ёш келибди. Косадаги серқаймоқ сутлардан бир ҳўпламдан ичиб, фарзанди, набиралари, айниқса, меҳрибон келинидан мингдан минг рози эканлигини такрор-такрор айтиб, қазо муддати яқинлашиб қолган экан, ўша захотиёқ омонатини топширибди.

Сайёҳ шу воқеани эслаб:

— Эй парвардигор, эй яратган эгам, отамни қўлимдан келганича рози қилдим, ўзинг гувоҳсан, зеро, бу ҳаракатим сенга мақбул бўлиб, ўзинг юборган ушбу офатни яна ўзинг даф қилсанг, — дея тавалло қилибди.

Иккинчи сайёҳ номдору қудратли бир бекнинг яккаю ягона ўғли экан. Қўл узатса осмонга етадиган қудрати, беҳисоб имконияти бор экан. Унинг бир бева аммалари бўлиб, бевақт вафот қилгач, ундан бир қиз қолган экан, йигит ана шу етимча қиз билан тепкилашиб катта бўлган экан. Қиз Аллоҳнинг марҳамати билан аста-секин камолга ета бошлабди. Ўн олти ёшга етганида тенгсиз ҳусн, нозик дид, беқиёс ақлу латофатли бўлибдики, унинг овозаси бутун пошшоликка тарқалиб кетибди. Ман-ман, деган султонлардан, хонларнинг эркатой ўғилларидан совчилар келармиш, бек йигитнинг отаси шундай гўзал паривашни, шундай оқила жиянини бегонага бергандан кўра ўз саройимнинг гули, гултожи бўлиб қолсин, дея ўз ўғлига никоҳлаб бермоқчи бўпти. «Ахир бегона эмас, ўз синглимнинг боласи-ку», деган гапларни ҳам айтибди. Тўйни бошлаб юборибдилар. Қирқ кечаю қирқ кундуз камбағалларга ош-нону, тўқларга тўн берибди. Тўй тугабди, никоҳ ўқилибди. Меҳмонлар тарқагач, йигит шоҳона ясатилган гўшангага кирса, зару кимхобларга ўралган қиз тиззасини қучганча юм-юм йиғлаб тўирган эмиш. «Эй, дилбарим, — дея мурожаат қилибди куёв йигит, — бугун иккимизнинг энг бахтли, энг саодатли дақиқаларимиз, ўйнаб-кулиш, хурсандчилик қилиш ўрнига нега йиғлаяпсиз?» «Ҳа, йиғлаяпман», — дебди қиз кўз ёшларини артиб. — Тўғри, сиз мамнунсиз, демак, бахтиёр ҳамсиз, ота-оналарингиз ҳам мендек ҳимоясиз, чорасиз қолган етим қиздан бир оғиз розилигини сўрамадилар, сўраганингиз учун энди очиғини айтай. Мен ўзим тенги бир етим йигитга кўнгил қўйган эдим, йигит ҳам менга кўнгил берган эди. Бир яйловда бирга-бирга ўсганмиз, бир-биримизнинг бошимизга гулчамбарлар кийгизганмиз, турмуш қуришга аҳду паймон ҳам қилган эдик. Ҳозир ўша бечора йигит тоғу тошларга бошини уриб, йиғлаб юрибди. Мен нечун йиғламай, сиз бахтлисиз, мен эса дунёдаги энг бахтиқаро қизман. Йиғлаб-йиғлаб ўтсам керак бу дунёдан».

Бек йигит адолатли, ҳам мард экан. Қизнинг аҳволини тушуниб-

Эртак

Темур Ғолиб ЖАМОЛИДДИНОВ чизган суратлар.

ди, унга раҳми келибди. «Дилбарим, ҳозир сизни талоқ қилиб, саҳродаги ўша чўпон йигитни олдириб келиб, унга никоҳлаб бersам, ўзингизни бахтли ҳисоблармидингиз?», — деб сўрабди қиздан. «Ҳа, иккимиз умрбод сизнинг ҳақингизга дуо қилардик», — дебди қиз. Мардларнинг сўзи битта бўларкан. Саҳродан фарёд чекиб юрган йигитни олдириб келиб, кўпчилик олдида қизга талоқ хатини бериб, ўша куниёқ қиз билан йигитнинг никоҳ тўйларини ҳам ўтказиб берибди.

Бек йигитнинг кўнглидан ана шу гаплар ўтгач, «Э Худо, э Парвардигори олам, ўзинг-ку бир ғарибнинг кўнглини овласанг, минг савобнинг хосиятини бераман, деган эдинг. Менинг ушбу қилмишим зора сенга маъқул келган бўлса-ю, ушбу фалокатни ўзинг даф қилсанг» дея илтижо қилибди.

Тоғларнинг бостириб келиши ҳали тўхтагани йўқ эмас, жуда-жуда яқинлашиб қолган ҳам эмиш. Шу дақиқаларда учинчи сайёҳнинг ҳам кўнглидан яхши бир амали ўтибди. Бу сайёҳ мамлакатнинг энг катта бойларидан экан.

Қиру адирларда лак-лак қўю эчкилари, яйловларда беҳисоб уюрлари боқиларкан. Шаҳарларда қатор-қатор савдо расталари бор экан. Олис юртдан иш ахтариб келган бир йигитни чўпонлик хизматига олиб, йилига ўн тилла тангаю беш урғочи қўй беришга келишиб олишган экан. Йигит ҳалол, художўй, меҳнатсевар экан. Беш йил яхшигина ишлабди, бир кун бойнинг ёнига келиб, «Отахон, энди менга жавоб беринг, юртимга кетай, тушларимга отам билан онам кириб, қаерларда қолдинг, сени беҳад соғиндик, дея йиғлашяпти», дебди. Бой йигитга хурсандчилик билан жавоб бериб, шартлашган пули билан қўйларни ҳам ажратиб берибди. Йигит пулни олиб, белига тугибди-ю, «Бу қўйларни мен саҳрою биёбонлардан, сувсиз чўллардан ҳайдаб ўтолмайман, барибир нобуд бўлади» дея ҳаммасини ташлаб кетибди. Кунлардан бир кун бой йигитнинг олис юртига зиёратга бориб, оқ туясини миниб, шаҳар бозорини айланиб юрган экан, ҳаммолликка чиқиб, қўлида арқон, иш сўроқлаб хомуш ўтирган бир йигитни кўриб қолибди. Йигит ўша ўзининг қўйларини боққан чўпон экан. Ранги синиққан, кийим-бошлари ҳам бир аҳволда, боши ғамгин эгилган. Бой туядан тушиб, кўришиб, ҳол-авҳол сўрабди. «Эй бой ота, — дебди йигит, — ҳузурингиздан қайтсам, отам бечора оламдан ўтиб, қўли қалта онам уни қарзга кўмган экан. Берган пулларингизни отамни руҳи, арвоҳи чирқилламасин деб, онамнинг қарзига бердим. Кетидан касалманд онам ҳам бандаликни бажо келтирди. Арвоҳи армонда қолмасин, дея кичиккина кулбамни сотиб, марҳумнинг ҳам дафн маросимларини элдан юқорироқ қилиб ўтказдим, мана, кўриб турганингиздек, мусофирликда яшаяпман. Куним баҳоли қудрат ўтиб турибди».

«Эй ўғлим, ўрнингдан тур, — дебди бой ота, — сен бу юртнинг энг катта бойларидан ҳисобланасан. Эсингдами, қайтаётганингда бир неча қўйларингни ташлаб кетган экансан, мен буни сен кетганингдан кейин билиб қолдим. Билдим-у, дарҳол уларни қўрадан ажратиб, алоҳида бир чўпон тайинлаб қўйдим. Қўйларинг кўпайиб-кўпайиб, ҳозир бир неча мингдан ҳам ошиб кетган. Ҳозир мен билан бирга бориб, уларни қабул қилиб олишинг керак. Токи мен дунёдан ўтсам, Худога шукур, етимни ҳаққини емадим-ку, дея мамнун бўлиб кетай». Шундай деб бой ота йигитни ўзи билан бирга олиб кетибди. Йигит борса, чиндан ҳам, ўзига тегишли қўйларнинг ҳисоби йўқ эмиш. Бир эмас, бир неча чўпон боқаётган эмиш. Йигит уларнинг ҳақларини ажратиб берибди. Ярмини пуллаб, ўзи яшаётган шаҳардан шоҳона бир ҳовли сотиб олибди-да, шу юртнинг гўзал қизларидан бирига уйланибди.

Бой отанинг хотирида шу воқеалар жонлангач, «Эй Худо, эй Яратган Эгам, ўзинг-ку, бировнинг ҳаққини емасанг, ҳамиша дилинг пок, мушкулинг осон бўлади, дер эдинг. Зора, менинг ҳам ушбу ҳаракатим сенга маъқул бўлиб, мушкулимни осон қилсанг, ўзинг юборган балони ўзинг даф қилсанг» дея Яратганнинг ўзига қайта-қайта тавалло қилибди ва шу аснода мўъжиза ҳам юз бера бошлабди. Ҳамма нарса Яратганнинг ихтиёрида экан, ваҳшат билан силжиб бостириб келаётган баҳайбат тоғлар тўсатдан жойида тўхтаб, яна аввалгидек қасир-қусур овоз чиқариб, аста-секин орқасига чекина бошлабди. Кўз юмиб очгунча яна сайёҳлар қаршисида аввалги кенглик, равон йўллар, майсалар билан қопланган сўлим адирлар пайдо бўлибди. Сайёҳлар Яратганга шукроналар айтишиб, йўлларида давом этишибди.

Меҳнатим — беминнат ноним

Иккинчи ривоят

Оилада ўғил катта бўлибди, вояга ҳам етибди. Лекин қайсаррок, нописандроқ бўлиб ўсибди. Отаси бирор нарса ўргатса, «Ўргатманг, буни сиздан яхшироқ биламан» деркан. Онаси насиҳат қилмоқчи бўлса, «Э, хотин кишининг гапини хушламайман» деркан. Шунда отасининг жаҳли чиқиб, «Сен барибир одам бўлмайсан» деркан.

Йиллар ўтибди. Ўғилнинг ишлари ривожланиб, гуркираб ўсибди, қўша-қўша иморатлар ҳам қурибди, керагидан ортиқ бойлик ҳам тўплаб олибди. Бир куни тўсатдан отасининг «Барибир одам бўлмайсан» деган аламли гаплари эсига тушиб қолибди. «Борларинг, отамни олиб келларинг» деб буюрибди. Кексайиб, мунғайиб қолган отасини оёғини ерга теккизмай олиб келибдилар. Ота келиб қараса, ўғли уйнинг тўрида беку бекзодалардек савлат тўкиб ўтирганмиш.

— Ўтиринг, — дебди отасига. — Эсингиздами, менга доим «Одам бўлмайсан, одам бўлмайсан» дердингиз. Мана, данғиллама уйлар, хизматкорлар, бойлик. Демак, одам бўлибман-да. Энди гапингизни қайтиб оларсиз?.

— Йўқ, — дебди ота ўрнидан туриб, — сен барибир одам бўлмабсан, одам бўлганингда, отангни қароллар орқали олиб келмай, ўзинг борган бўлардинг.

Ота шундай деб этагини қоқибда-да, уйдан чиқиб кетибди.

Сабоқ

Учинчи кишига Оллоҳ чорвадорликни юқтирган экан. Қўй боқаркан, эчки боқаркан, бола-чақаси билан сут-қатиқларни ичиб, ортганини сотиб тураркан. Аммо озгина сутми, қаймоқми сўраб тиланиб борувчилар тинчлик бермас экан. Бир бераркан, икки бераркан, беравериб жонига тегиб кетаркан. Бир куни қатиқ сўраб катта товоқни кўтариб борган йигитни тўхтатиб: «Тилаб ичувчи бўлма, соғиб ичувчи бўл», дебди. Бир эчкининг боласини бериб, «Шуни парвариш қил, сўйиб юнгларидан сила. Катта бўлиб туғиб берса, бировларнинг уйига бориб тиланчилик қилиб юрмайсан. Ўзинг соғиб ичасан» дебди. Эчки боласини парваришлаб боласини яхши боқибди. Олти ой деганда эчки туғибди. Эчки сутини ичавериб бола-чақалари билан семириб ҳам кетишибди.

Шундай қилиб, Оллоҳнинг марҳамати билан уч тадбиркор йигит туфайли оч-қашшоқ юртда балиқчилик дейсизми, чорвачилик дейсизми, боғдорчилик дейсизми — ҳаммаҳаммаси ривожланиб, одамлари маъмурчиликда яшай бошлашибди.

Бир юрт одамлари беҳад даражада қашшоқ, очнаҳор яшаркан. Ер ҳайдарга қўши, ичарга оши, ишлашга ҳуши йўқ экан. Оллоҳ марҳамат қилиб, бу юртга учта эсли-хушли, қўлли-оёқли ва тадбиркор одамларни яратиб берибди.

Бу кишилардан бири балиқчиликни, иккинчиси боғбонликни, учинчиси чорвадорликни ўрганибди. Ҳар биттаси ўз соҳасида ном чиқарибди, юртга етиштирган маҳсулотларидан озми-кўп бериб, уларни оёққа турғиза бошлабди. Лекин қишлоқ аҳли дангаса, ҳам танбалроқ экан, тиланчиликни яхши кўраркан.

Бир одам балиқчининг олдига, айниқса, кўпроқ бораркан. «Болаларим оч, егани ҳеч нарса йўқ» деб ҳасрат қиларкан. Балиқчи тутган балиғидан бир берибди, икки берибди, учинчи борганда, «Йўқ, энди сенга балиқ бермайман, балиқни қандай тутишни ўргатаман», дебди. Тўр тўқишни, тўр ташлашни, пўкак боғлашни ўргатибди. «Ўргансанг тилаб еювчи эмас, тутиб еювчи бўласан», дебди. Йигит ҳушёргина экан, тезда балиқ тутишни ўрганиб олибди. Оиласи маъмурчиликда яшай бошлабди.

Боғбоннинг олдига бир тиланчи: «Узум беринг, олма беринг» деб кўп бораркан. Бир куни боғбон: «Йўқ, энди сенга мевамдан бермайман, тилаб ейишни эмас, силаб ейишни ўргатаман», дебди. Ҳар гал борганда ё олманинг, ё шафтолининг кўчатидан бериб, «Яхшилаб эк, силаб-сийпалаб ўстир», деркан. Кўчатларни қандай парвариш қилишни ўргатиб турибди. Йиллар ўтиши билан ниҳоллар ширин ҳосилга кирибди. Бу йигит ҳам бола-чақаси билан мева-чевалардан еб, ортганини сотиб, рўзғорини тиклаб олибди.

Чумоли билан каптар

Бир куни чумолининг сув ичгиси келибди-да, югурганича сойга борибди. У сув жуда тез оқаётган жойдан ташналигини қондираётган пайтда тўлқин оқизиб кетибди. Сув бўйидаги бир дарахтда каптар ўтирган экан, воқеани кўриб, чумолига жуда ачинибди. Ва шохдан битта баргни узиб олиб, сувга ташлабди, чумоли эса шу барг устида қирғоққа чиқиб олибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, каптар яна ўша дарахтга келиб қўнибди, лекин тўсатдан овчи пайдо бўлиб, бекинган ҳолатда каптарга тўр ташламоққа шайланибди. Чумоли эса шу пайтда жуда яқин жойда экан. Каптарнинг фалокатга дучор бўлишини фаҳмлаб, овчининг ёнига келиб, оёғини қаттиқ чақиб олибди. Овчининг оёқларигина эмас, қўллари ҳам титраб кетибди. Шунда каптар овчини кўриб қолиб, учиб кетибди.

Лев ТОЛСТОЙ

Жаҳон адабиёти

Оқарган сочлар

— Ғишт терувчи,
Айтгин-чи,
Сочинг оқарган анча,
Санаганмисан,
Қанча?
— Ғишт териб,
Қўнгил бериб,
Қанча уй қурган
Бўлсам,
Оқарган сочим сони
Ўшанча экан
Билсам.
— Сиз, синьор ўқитувчи,
Айтинг-чи, қани,
Нечта бор
Оқарган
Сочингиз сони?
— Ўқитган бўлсам
Қанча болани
Ишлаб бетиним,
Оқарган сочим сони
Ўшанча,
Иним.
— Сизнинг оппоқ
сочингиз
Бобо, кўпми, оз,
Гапиринг бироз?
— Оқарган сочим сони
Кўп бениҳоя,
Қанча эртак,
Ҳикоя
Бўлса эшитган
Шўх набиралар.
Оқарган сочим
Сони ҳам
Ўшанча келар.

Жанни РОДАРИ

Саҳифани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди ТЎХТАБОЕВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Ориповв.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 23456